



Жахон сўз санъати дунёсида “саргузашт адабиёти” деб аталган ажабтовур яратик – хилкат бор. Саргузашт адабиётига таъриф берганда, бу соҳа мутахассислари ҳаётда юз берган ёки тўкиб чиқарилган гаройиб воқеа-саргузаштларни кизикарли ҳикоя қилувчи асарларни назарда тутадилар; уларга хос хусусиятлар: сюжет воқеаларининг фавкулудда сирли-сехрли тус олиши, ўткир интригаларга бойлиги, воқеалар ривожига қўшилмаган кескин ўзгаришлар, персонажлар қисматида терс бурилишлар юз бериши, асар қаҳрамонларининг турли синовларга дуч келишию ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиб, турли-туман бало-қазолардан омон чиқиши каби жиҳатлар тилга олинади. Сўз санъатининг барча тур, шакл – жанрларида бўлганидек, саргузашт адабиёт намуналари орасида ҳам юки йўқ, енгил-елпи, шунчаки олди-қочди воқеалар баёнидан иборат “асарлар” билан баробар, “саргузашт”ни чинакам санъат мақомига кўтарган нодир адабий дурдоналари ва ҳар бир миллий адабиётда унинг етук даргалари ҳам бор. Сервантеснинг “Дон Кихот”, Ф.Раблининг “Гаргантюа ва Пантагрюэль”, Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саёхатлари”, А.Дюма, Ф.Купер, М.Рид, Р.Стивенсон, Р. Хаггард каби адибларнинг каттаю кичик баравар севиб ўқиладиган дунёга машҳур асарлари шулар жумласидан.

Ўзбек адабиётида бу турнинг илк замонавий намуналарини Абдулла Қодирий яратди, “Жинлар баъзи”, “Қалвақ маҳзум”, “Тошпўлат тажонг” бу йўналишдаги дастлабки тажрибалар эди; ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари миёнасида дунё юзини кўрган Гафур Гуломнинг “Шум бола”си миллий саргузашт адабиётимизнинг чўккиси бўлди.

Шундан кейин мазкур жанрнинг ҳам мазмунини, ҳам бадииятини юқори кўтарган ижодқорлардан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев бўлди. У бадиий ижодни ҳам катталар, ҳам болалар учун ҳикоялар ёзишдан бошлади, катталар учун ёзганларидан бири “Фельетондан сўнг” ҳикояси конкурс мукофоти билан тақдирланди, болаларга ёзганлари “Шошқалок” тўплами ҳам ижобий баҳо олди, лекин у катталар ҳаётдан олинган “Жонгинам, шартинги айт” ва болаларга аталган “Сехрли қалпоқча” номли илк саргузашт қиссалари билан элга танилди. Айти шу икки асарида унинг асл бисоти, чин истеъдод майллари яққол намоён бўлди. Омадни қарангки, ҳар икки асарни китобхонлар ҳам, адабий танқид ҳам бирдек хуш қабул қилди. Бундан руҳланган ёш адиб “Сехрли қалпоқча” қиссасини қенгайтириб, 1969 йили “Сарик девни миниб” номи остида романга айлантирди. 1973 йили бу асарнинг мантқиқий давоми тарзида “Сарик девнинг ўлими” дунё юзини кўрди. Сўнг бирин-кетин “Беш болали йигитча” (1976), “Қасоскорнинг олтин боши” (1980), “Йиллар ва йўллар” (1983), “Ширин қовунлар мамлақати” (1986), “Жаннати одамлар” (1986) майдонга келди. Бу романларнинг аксарияти ўзимизда ҳам, хорижда ҳам додруқ қозонди, хилма-хил мукофоту совринларга сазовор бўлди. Шу тариқа, миллий саргузашт адабиётимиз сардорига айланган адибнинг, айниқса, “Сарик

девни миниб” билан “Сарик девнинг ўлими” романлари жахон кезишда рекорд қозонди, жахоннинг ўттизга яқин мамлакатларида чоп этилди, жахондаги шу турнинг етук асарлари каторидан муқим ўрин олди.

Бу асарлар халқимиз маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Кейинги ярим аср давомида мактабда таълим олган миллат фарзандларининг деярли барчаси учун Худойберди Тўхтабоев романлари қахрамонлари, хусусан, Хошимжон билан Акрамжон ўз жигарларидек таниш, қадрдон бўлиб кетган. Хўш, Худойберди Тўхтабоев саргузашт романларига шухрат келтирган омиллар нималардан иборат? Менимча, биринчидан, бу романлардаги саргузаштлар ифодаси жанр тақозосига кўра тасаввур, таҳайул маҳсули бўлмиш қутилмаган фавқуллоҳда ҳодисалар силсиласидан иборат бўлса-да, улар миллий заминга, муаллифнинг ҳаётий тажрибалари асосига қурилгани билан қимматлидир. Худойберди Тўхтабоев ҳатто ўзи бевосита шохид бўлмаган воқеа-ҳодисалар, чунончи, “Қасосқорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар” романларида ҳам қахрамонлар саргузаштлари тасвири, талқинида ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб қалам сургани яққол сезилиб туради. Иккинчидан, адиб романларининг қахрамонлари болалар бўладими, қатталар бўладими, қим бўлишидан қатъи назар, улар тасвири, талқини ҳамиша болаларга ҳос нигоҳ, самимият билан йўғрилган. Ёзувчи Шуқур Ҳолмирзаев топиб айтган: “Худойберди ақанинг табиатида ўзи қандайдир мўъжаз, яхши маънода болалиқ бор”. Айни мана шу ҳислат – болаларча бегубор соддалик асарларига кўчиб ўтиб уларга ажиб руҳ, самимият баҳш этади. Учинчидан, адиб асарлари поэтикаси, ифода тарзи, усуллари жиҳатидан ранг-баранг; улар орасида соф ҳаётий, реалистик йўналишдаги романларни ҳам, миллий халқ оғзақи ижоди аънаналари билан йўғрилган ҳаёлий фантастика, замонавий жахон тажрибаларига ҳос шиддатқор детектив намуналарини ҳам, тарихий-биографик саргузашт турларини ҳам учратиш мумкин. Муаллифнинг шундай романлари ҳам борки, уларда бир эмас, бир неча ифода тарзи синтезига дуч келамиз. Тўртинчидан, асарлари қандай шакл, кўриниш, руҳда бўлишидан қатъи назар, ҳатто қескин драматик, фожиавий вазиятлар ифодасида ҳам ҳазил-мутойиба, юмор ёндош ҳолда келади. Ниҳоят, бешинчидан, олтмишинчи-етмишинчи йиллар адабиётида етакчи тамойилга айланган асарда “гап айтиш”, ҳаётнинг жиддий муаммоларига муносабат билдириш, муаллифга тинчлик бермаган, қалбини ўртаган, кўлига қалам олишга ундаган ҳаёт ва шахс жумбоқлари борасидаги дил сўзларини, кўнгил дардларини, армон-ўқинчларини тўқиб солиш ҳодисаси Худойберди Тўхтабоевнинг болалар учун мўлжалланган саргузашт асарларига ҳам ҳос етакчи хусусиятлардан дир. Адибнинг “Сарик девни миниб” номли романининг қахрамони – Хошимжон табиатан қулдирувчан, қизикқирок. У топиб гапиради, жўн гапларга ҳам тўн қийдириб юборади. Унинг нутқи ҳазил-мутойиба, киноя-қесатикларга ниҳоятда бой. У ўзгаларни қулдиради, ўзи эса сира қулмайди. Асарни ҳудди шу ҳил бола тилидан ҳикоя қилиш юморист ёзувчи учун жуда-жуда қўл келган.

Хошимжон кўринишдан ниҳоятда содда, гўл, ширинсухан, майин- мулойим бола, ойиси қақирганда “Лаббай, ойижон”, иш буюрганда “Хўп бўлади, ойижон”, деб туради. Аслида, у хийла мугомбир, қув, шўх бола. У уқаларига қун бермайди, ўзига топширилган ишларни уқаларига буюради, борди-ю, улар бажармаса ҳоли қаток – оч биқинига мушт келиб тушади. Мактабда ҳам шундай. Топшириқларни бажаришга уринади. Унинг дўсти ҳар қандай масалани кўз очиб-юмгунча ишлаб ташлайди. Хошимжон ҳам бўш келмайди, кўз очиб юмгунча ундан қўчириб олади. Фақат бу билан қифояланмайди, ҳатто мактаб директори номига қийин дарсларни жақвалдан қикариб ташлаш ҳақида ариза ёзади.

Хуллас, унинг меҳнатга сира тоби йўк, хар сохада хар доим осон йўл кидиради. Бирок, бу йўл уни яхшиликка элтмайди, ўқитувчиларнинг дашномига, ойисининг таъкибига учрайди.

Хошимжон отдан тушса ҳам, эгардан тушган эмас. Соддадил бола ўз “эътиқоди”дан кайтган эмас. У ҳамон ўқимасдан, меҳнат килмасдан шухрат ва мартабага эришиш йўлини кидиради. Шу орада бирдан унинг иши юришиб кетади. Хохлаган нарсасини мухайё этадиган афсонавий сеҳрли калпокчани топиб олади ва у билан сайрга чиқади.

Шу ўринга келиб, саргузашт асар ярим фантастик тус олади, бири-биридан кизик, бири-биридан кулгили гаройиб саргузаштлар бошланиб кетади. Хошимжоннинг кўнгли ниҳоятда чоғ. Мана, энди, у ўз ўқитувчилари кўлида ўқимасдан туриб ҳам хар қандай касб эгаси бўлаолиши мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи, кўкси тўла орден, катта шон-шухратлар билан кишлогига кайтмоқчи. Афсус, минг афсус, хатто аф-сонавий сеҳрли калпокча ҳам бу борада Хошимжонга кўмак беролмайди. Сеҳрли калпокча мухайё этган имкониятлар хар сафар кутилмаган кўнгилсиз оқибатларга олиб келаверади, қахрамоннинг бахти энди кулай деб турганда, ишнинг пачаваси чиқиб қолаверади. У агроном ҳам бўлади, шоир ҳам, артист ҳам, инженер ҳам бўлади, бирок, хар сафар билимининг, тажрибанинг йўқлиги ишнинг белига тепаверади. Зотан, асардаги кулгининг хақиқий манбаи худди ана шунда.

Муаллиф ёш қахрамон характери ва саргузашти тасвирида бир ёкламаликдан қочади, қахрамонни олабўжигга айлантириб юбормайди, қахрамон хали бола эканини доимо назарда тутаяди; Хошимжон табиатида ўзига ярашадиган қандайдир эркатойлик, одамни ўзига тортадиган самимият, жозоба бор; аслида, унда ҳеч қанака ёвуз ниёт йўк, у муайян даражада романтик, орзу-хаваслар эгаси. Бирок, у орзу-хавасларга элтадиган катта йўлдан бир муддат четга чиқиб сарсон-саргардон бўлади, кулгили вазиятларга тушиб қолади. Қахрамон қанчалик хатоларга йўл қўймасин, у, аслида, самимият эгаси бўлгани учун асардаги кулги самимий, қувноқлигича қолаверади. Асар қахрамони нуқул бемаънигарчиликлар билан шугулланавермасдан, хайрли ишлар ҳам қилади: у сеҳрли калпокча ёрдами билан фолбиннинг кирдикорларини қош этади, олгир, порахўр меҳмонхона ходимларини саросимага солиб қўяди; хусусан, қиссининг иккинчи қисмида қахрамон катта иш кўрсатади, сохта, қирибгар дин хомийларининг асл башарасини очиб ташлайди. Учинчи қисмда Хошимжоннинг мактабдаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Кўп хангомаларни бошидан кечирган қахрамонимиз асар охирида бошқача қиёфага қиради, орзу-хавасларга элтадиган қинакам йўл одоб ва қунт билан ўқишда, меҳнатда эканига тўла ишонч ҳосил қилади. Қисқаси, охир-оқибат қахрамон бисотидаги самимият, эзгу хислатлар қолиб қолади.

Дадил айтиш мумкинки, бу роман ёзувчининг ижодий тақдирида бурилиш ясади, шу пайтга қадар катталар ва болалар дунёси оралигида иккиланиб турган ёзувчимиз “Сарик девни миниб” асаридан сўнг, бутунлай болалар адабиёти майдонига ўтиб олди. “Сарик девни миниб” эълон этилиб, қўлма-қўл ўқиладиган кезлари муаллиф номига мактублар ёғилиб кетди. Ақсар ўқувчилар: “Сарик дев”нинг давоми борми?” “Сеҳрли калпокча” омонми?” деб сўрашади, Хошимжоннинг галдаги саргузаштлари билан танишиш истагида эканликларини айтишади. Бир чекқаси, қитобхон истагини, қолаверса, ёзувчи кўпдан бери кўнглида йигилиб ётган дарду дунёсини тўқиб солиш ниётида, унинг мантқиқий давоми – “Сарик девнинг ўлими” устида ишга қиришди. Муаллиф янги асар устида иш олиб бориш жараёнида, жаҳон детектив адабиёти намуналари, унинг назарияси билан яқиндан танишади, бу тур адабиёт хусусида ўзининг

муайян карашлари – концепцияси шаклланади. Унингча, детективнинг мухим шартлари шулардан иборат: 1. Асарда, албатта, ижтимоий мотив биринчи ўринда туриши керак. 2. Асарнинг бошланишидаёқ жиноят ёки котиллик юз бериши лозим. 3. Изкувар ўз атрофидагиларга караганда акклирок, идроклирок, топкиррок бўлиши шарт. 4. Китобхон билан изкуварнинг жиноят хақидаги хабардорлиги бир хилда бўлиши керак. 5. Мухаббат, оила мотиви биринчи планга чикмаслиги керак. 6. Изкуварнинг ўзи жиноятчи бўлмаслиги керак. 7. Изкувар жиноятчи ёки котилни тасодифан эмас, балки майда икир-чикирларни тахлил килиб, индуктив мулохазалар билан топиши керак. 8. Изкувар кроссворд жумбогини ечгандек харакат килиши шарт. 9. Кроссворд жумбогини ечиш реалистик асосга қурилиши керак. 10. Детектив асарда жиноят битта бўлиши талаб килинади. 11. Жиноятчининг жиноятни беркитишдаги усталиги изкуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак – изкувар аклли душман билан юзма-юз бўлиши керак ва хакозо.

Адиб янги романини ана шу шартлар асосида қуришга харакат килади. Ўқувчи бу асарда аввалги китобдан таниш қахрамон – Хошимжон билан қайта учрашади, унинг ўзга бир жиддий вазиятдаги янги саргузаштлари билан танишади, ўта калтис вазиятларда сеҳрли калпокча мададга келади, ажойиб-гаройиб кароматлар кўрсатади. Дарвоқе, аввалдан таниш бу қахрамон аввалги ўйинкарок Хошимжон эмас, саккиз йилликни битириб, улгайиб, ок-корани таниб колган. Энди у ўз хаёти, тақдири устида жиддийроқ ўйлайди, ўзига касб танлайди, дастлаб сартарош бўлади, аввалги китобда каллобликларга қарши қураш жабахасида шаклланган иштиёқ, иш тажрибалари энди уни каттарок майдон сари етаклайди, милиция мактабида ўкиб, милиционерликка ишга ўтади; янги китобдаги таажжуб хангомалар айна шу нуқтадан бошланади, ўзгача шиддатли детектив саргузаштлар қахрамоннинг айна шу янги касб-қори билан боглик холда давом этади.

Худойберди Тўхтабоев кўпдан бери милиция ходимларининг машаккатли хаётидан хикоя қилувчи, каллоб, юлгич, порахўрлар қилмишини фош этувчи йирик асар яратишни орзу қилиб келарди. Асарнинг халқ милицияси сафида қирк йилдан ортик хизмат қилган, пок, саховатли қалб эгаси мархум полковник Рахимжон ака Отажонов хотирасига бағишлангани бежиз эмас. Китоб муаллифи жиноятчи – каллоб, юлгич, порахўрлар афти-ангорини, қирдикорларини яхши билади, газеталар тахририятида фельетончи бўлиб ишлаган кезлари кўп марта бундай жиноятчилар изига тушган, улар билан юзма-юз тўқнашган, уларнинг сиру асрорини фош этувчи ўткир фельетонлар ёзган. Ўша йиллари тўпланган тажриба, бой хаётий материал, ундан кейинги кузатишлар ушбу асарга асос бўлган.

Аввалги асаридаги қаби “Сарик девнинг ўлими”да ҳам воқеалар “ярим ёлгон, ярим чин” тарзида, яна ҳам хаётий-реалистик, ҳам хаёлий-фантастик тарзда давом этади, муаллиф фантастика такосо этадиган шартли-хаёлий усуллардан кенг фойдаланади, рамзий деталь, образларга, қутилмаган фавқулудда вазиятларга дадил мурожаат этади; асар сюжетида сирли-детектив тус беради, конфликтни айна шу тур асарга хос яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан қабохат орасидаги зиддиятларга қуради.

Романда яхшилик, эзгулик рамзи сифатида изкувар Салимжон ва унинг мададқори Хошимжон, ёвузлик, разолат, қабохат рамзи тарзида эса Одил баттол тимсоли гадаланади, улар орасида гоҳ ошқора, гоҳ пинхона бетиним, шиддатли жанг кетади. Салимжон билан Одил баттол умр бўйи олишиб келган. Одил ниҳоятда маккор. У Салимжон бошига жуда кўп огир савдолар солган, уйига ўт қўйган, норасидаларни

оловда ёндирган, унинг яккаю ёлгиз фарзандини йўлдан оздириб, кўлига тўппонча тутказиб жиноятга етаклаган; у хамон тинчимайди, эл-юрт олдида Салимжонни шарманда килмок, кўксига пичок урмок пайида юради. Ўз навбатида, Салимжон хам бўш келмайди, бошига тушган мусибатлар туфайли хар канча куйиб-ёнмасин, калби ўртанмасин курашдан асло толмайди, бўйи-басти букилмайди, иродаси сўнмайди. Нихоят, орада кечган аёвсиз кураш – жанг эзгулик тантанаси билан якунланади. Муаллиф ўкувчини хаёл канотида нурли келажакка – жиноятлар, жиноятчилар бархам топган, Одил баттоллар музей экспонатига айланган замонларга етаклайди; агар халк ўз эркини кўлга олиб, каллобларга курашда бир ёкадан бош чиқариб оёкка турса, бу эзгу – орзулар, албатта, рўёбга чиқажагига сизу бизни ишонтиради...

Аввалги романда бўлганидек, мана шу детектив-саргузашт тарзидаги воқеалар Хошимжон тилидан хикоя килинади. Гарчи, бу романда қахрамонимиз улгайиб колган, масъулиятли лавозимни эгаллаб турган, мухим ижтимоий вазифани адо этаётган бўлса-да, болаликда теккан одатлари – ўша шўх-шаддодлик, андак кувлик, кувноклик табиатида сакланиб колган; хатто баъзи холларда у хозирги холатини унутиб бутунлай болакайга айланиб қолади, болаларча гўлликка боради. Бу хол қахрамонимизга, қолаверса, асарга ўзгача самимият, кувнок рух, юмористик оханг бахш этади. Ўн саккизга кирмаган ким бор, севги хиссин туймаган ким бор, деганларидек, Хошимжон хам бу ёшда севги кўчасини четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Ёзувчи йигитчанинг севги саргузаштларини хам, албатта, саргузашт-детектив асар такозоси доирасида каламга олади; романнинг умумий рухига мос тарзда севги саргузаштларини хам кувнок кулги билан йўгрилган холда беради.

Қабохату жиноятларга қарши мурасасиз кураш-жанг мотиви кейинрок, 1986 йили чоп этилган “Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги” романида ўзгача тарзда давом эттирилди. Бу асарда аёвсиз кураш энди бошдан-оёқ таҳаюл-хаёлотда фантастик тарзда кечади. Бу романи “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” билан боғлайдиган жихати шундаки, хар икки романда иштирок этган Хошимжоннинг дўсти – бироз хаёлпараст, бироз ўйинқарок Акрамжон бу асарда бош қахрамонга айланади, унинг ширин қовунлар мамлақатидаги хаёлий саргузаштлари – мамлақатни хар хил иллатлардан тозалаш ниятида сеҳргар иблис билан олиб борган аёвсиз жанглари роман асосини ташкил этади. Бу курашда унга устози профессор Дар Даража яқиндан ёрдам беради ва яна ўша сизу бизга таниш сеҳрли калпокча бу борада кўл келади. Шу тарика, хар бири ўзича бир дунё, мустакил хилкат саналмиш бу уч роман, айна пайтда, асосий мотиви, етакчи персонажлари орқали бир-бирлари билан туташади, шунга кўра уларни ўзига хос миллий адабиётимизда хозирча ягона саргузашт трилогия деб аташ мумкин.

Ёзувчининг соф хаётий-реалистик саргузашт йўлида ёзилган “Беш болали йигитча”, “Жаннати одамлар” каби асарлари, тарихий саргузашт романнинг биздаги илк намуналари дея баҳо олган “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар”нинг хам – хар бирининг миллий адабиётимиз, хусусан, болалар адабиёти равнақида алоҳида ўрни бор. Автобиографик характердаги “Беш болали йигитча” иккинчи жаҳон уруши йилларида норасидалар бошига тушган ададсиз кулфат, мусибатларни теран, таъсирчан бетакрор ифодаси жихатидан Гафур Гуломнинг машхур “Сен етим эмассан” шеъри, Раҳмат Файзий киносценарийси асосида яратилган айна шу номдаги фильм каторида туради. Бу роман хақида озми-кўпми ёзилди, илик гаплар айтилди, аммо хали айтилмаган, айтилиши лозим бўлган гаплар кўп. “Қасоскорнинг олтин боши” асарининг муаллиф каламига мансуб олдинги романлари билан талай муштарак жихатлари бор.

Авалло, бу асар ҳам саргузашт йўлида битилган, аввалги романларга хос кувнок юмор бу асарда ҳам унга алохида зеб бериб турибди. Шу билан баробар, бу романнинг аввалгиларидан ажратиб турадиган айрим ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, аввалги романлар муаллифга замондош болакайлар, ўсмирлар хаётидан олинган бўлса, “Касоскорнинг олтин боши” тарихий ўтмишдан бахс этади, болалар, ўсмирлар эмас, катталар хаётидан хикоя килади. Иккинчидан, аввалги романларда муаллиф бола ёки ўсмир кахрамоннинг гаройиб, хаёлий-фантастик саргузаштлари оркали хаётнинг хилма-хил катламларини, турли-туман шахслар киёфасини кўрсатиш йўлидан борган бўлса, бу асар марказида тарихий шахс, халқ касоскори – Намоз такдири туради. Ёзувчи халқ орасида афсонага айланиб кетган бу одамнинг кескин драмаларга тўла кахрамонона хаёт лавхаларини хаётий-тарихий далилларга таянган холда бадиий гавдалантиради.

Намоз шахси ва у бош бўлган касоскорлик кўринишидаги, аслида эса, миллий озодлик харакати мохияти устида ёзувчи кўп бош котирди. Тўгри, ўша пайтларга кадар Намоз харакати илмий жихатдан бирмунча ўрганилган, бу харакатни баҳолашда ижобий томонга юз ўгириш бошланган бўлса-да, хали бу хусусда, узил-кесил ҳукм чиқарилган эмасди. Ёзувчи Пиримкул Кодиров романга ёзган сўзбошисида таъкидлаб ўтганидек, Намоз сиймосини бадиий адабиётда гавдалантиришга айрим уринишлар бўлган. Ўз даврида Нурмон бахши у ҳақда дoston куйлаган, афсуски, дostonдан айрим парчаларгина сакланиб қолган, холос; улкан адиб Абдулла Кодирий Намоз хақида йирик асар ёзиш ниятида ҳужжатлар йиққан, афсус, унинг бу ниятини рўёбга чиқариш имкони бўлмаган; рус адибаси Анна Алматинскаянинг “Зулм” трилогиясида Намозга оид бир ярим саҳифалик кичик эпизод бор; Иззат Султон “Номаълум киши” драмасидаги Ниёз образига Намозни прототип қилиб олган бўлса-да, у тарихий шахс Намоздан бирмунча йироклашиб кетган... Қисқаси, “Касоскорнинг олтин боши”дагина илк бор тарихий сиймо – Намоз хаёти, кураши батафсил хикоя қилиб берилди. Намоз сиймоси изчил, мукамал гавдалантирилди.

Намоз саргузашти ифодасида ёзувчи, манбаларга таянади, айрим ўринларда манбалардаги тафсилотларни айнан келтиради; қолаверса, халқ орасида юрган хикоя, ривоят, нақллардан ҳам фойдаланади. Шу икки жихатдан қелиб чиқиб, муаллиф ҳам реалистик саргузашт, ҳам халқ оғзаки ижоди ифода усул-услубини қўшиб олиб боради, хаёл-тасаввурга ҳам андак эрк беради; асар кахрамони Намоз гўё эртак, афсона билан реал хаёт, тарих хақиқати орасида турувчи ўзига хос бетакрор сиймога айланади.

Намоз меҳнатқаш халқ орасидан чиққан, шу меҳнатқаш халқ манфаати, шаъни, эрки деб курашга отланган оддий бир дехкон йигит. Шу билан баробар, у дунё кўрган, ок-корани таниган, ўз даври учун фавқулодда бир шахс; ўтган аср бошларида Туркистон ўлкасида вужудга келган тўлғанишлардан илхомланиб, жабрдийда, икки томонлама эзилган, эрққа ташна меҳнатқаш халқнинг химоячиси сифатида бош кўтаради. Айни пайтда, Намоз халқимизнинг, халқ даҳоларининг эрк, озодлик, адолат хақидаги анъаналари вориси сифатида кўринади. У ҳазрат Навоийнинг: “Илгимдин келгунча золим тигин ушотиб, мазлум жарохатига интиком малхамин кўйдим”, деган дил сўзларини қасамёд тарзида тумор қилиб бўйнига осиб юради. Сафдошларини ҳам шунга даъват этади. Шуниси муҳимки, бу одам доимо ўз хатти-харакатларини тафтиш этиб боради, ўзи бош бўлган тўда харакатининг ожиз томонларини ҳам сезади, тан олади; кичик бир тўдани отлантириб бою мансабдорлардан қасд олиш, улар мол-мулкни тортиб олиб, кашшок бева-бечораларга бўлиб бериш йўли билан асл муддаога эришиб бўлмаслигини, кенг

оммани атрофига уюштириб, халкни кўзгатиш кераклигини тушуниб етади; ана шу дакикаларда унинг рухий кийноклари бошланади, бошқача йўлдан боришга хошиш ва янгича кураш йўлига ўтишда ўзидаги ожизликни англаш, хис этиш жараёни рўй беради. Саргузашт имкониятлари доирасида шундай рухий драматик ҳолатларнинг берилиши катта гап. Айни пайтда, ёзувчи Намоз шахсиятининг бошқа қирралари – унинг оддий инсоний хислатларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади. Намоз мард, танти, жасур пахлавон, шу билан баробар, ўта кўнгулчан, раҳмдил инсон, ўзгаларнинг кўзёшларига асло тоқат қилмайди, у дунёю бу дунёни қоронгу бўлиб кетади; алампдан ҳаммаёқни зир титратган, золимлар додини бериб юрган бу баҳодир йигит унаштирилган киз хонадонига ёлғиз қиришга ийманади; Намоз меҳнатқаш халқ манфаати йўлига жони-жаҳонини тиккан одам, бироқ, у ўзининг оила, қариндош-уруғлар олдидаги бурчини ҳам асло унутмайди; шахсий турмуш лаззатлари, оила қувончи ва ташвишлари унинг учун бегона эмас. Опаси Ўғилойга инилик меҳри, Насиба билан севги, оилавий интим мулоқотлари, қайнисингилларига кўрсатган қалб саховатларини муаллиф ўзгача бир самимият билан ифода этади. Беговта, сирташвиш қунларда барпо бўлган оила, унинг қувончли дамлари, орзу-умидлари, дарбадарликдан зада бўлган аёл қалбининг изтироблари, баъзида эр-хотин орасида бўлиб ўтган паст-баланд гаплар – ора-сира қаламга олинган шундай ҳолат-ҳодисалар тасвири асарга алоҳида файз бахш этган, ўшандай ўринларда қахрамон чехраси, қалб бисоти яна ҳам очилиб кетади. Чунончи, қочкин пайти Насибани тўлғоқ тутиб қолиши, дунёга келаётган чақалоқ ҳаёти деб Намознинг рақиблар олдида таслим бўлиши манзараси – ўша дамлардаги қахрамоннинг рухий ҳолати зўр маҳорат билан тасвирланган. Бу лавҳа ўқувчини ларзага солади, ўта тигиз дамлардаги қахрамон ҳолати қитобхон хотирасига мустаҳкам ўрнашиб қолади. Муаллиф талқинича, Намоз қасоскор, лекин у террорчиликка, инсон зотини жисмоний азоблашга, қотилликка қарши. Аммо шафқатсиз замон, золимлар зулми, у тушиб қолган мураккаб вазиятлар қахрамонимизни гоҳо шафқатсиз бўлишга мажбур этади: кези қелганда, интиком оловида ўртанган бу йигит бир вақтлар ўзини асоссиз қамчиланган золимни боплаб савалайди, имконсизликдан беғуноҳ отга қарата ўқ узади, неча бор рақиблар додини беради, қасамдан тонган йигитларни қазолайди, ҳоинни ўз қўли билан бўғиб ўлдиради... Такрор айтаман, бундай шафқатсизликлар фақат вазият тақозоси, ўша дамларда қахрамон учун ўзгача йўл йўқ.

Нихоят, қахрамоннинг ҳалокати ифодасида аламли, афсус-надоматлар оғушида одамни қийноққа соладиган ҳолат бор. Хукмрон маккор қимсалар юзма-юз тўқнашувларда Намозга бас қелолмагач, сотқин қимсалар қўли билан уни орадан қўтардилар, ўз ичидан қиккан ҳоинлар қахрамоннинг олтин бошини танидан жудо этадилар...

Асар ўзбек халқи миллий озодлик ҳаракати силсиласида муносиб ўрин олган ёрқин тарихий шахс сиймосини жонли гавдалантириб бергани, адабиётимизга қин маънодаги курашчи-қахрамон образини олиб қиргани билан қимматлидир. Эҳтимол, тарихий шахс Намоз ҳаётдан яна бошқача йўналишда, ўзгача услуб, усул, жанрда янги асарлар битилар, аммо, “Қасоскорнинг олтин боши” Намоз ҳақидаги роман, миллий адабиётимиздаги илк тарихий-саргузашт роман тарзида қимматини асло йўқотмайди.

Хулоса шуки, миллий маданиятимиз, адабиётимиз раванқига улкан ҳисса қўшиб келаётган, аллақачон саргузашт сардори даражасига қўтарилган Худойберди Тўхтабоевнинг ижоди янаям сермахсул, бардавом бўлаверсин.